ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ ЖАРАЁНИДА ПРОФЕССИОНАЛ ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Негматов Исокжон
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд Давлат университети
"Социология ва ижтимоий иш" кафедраси мудири, доцент

Аннотация: *Мақолада Янги Ўзбекистонда профессионал ижтимоий хизмат кўрсатишнинг турли хил кўринишлари хусусида айрим фикр мулоҳазалар билдирилган. Ижтимоий хизмат кўрсатиш бевосита ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб бораётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Жамиятимиз учун янги бўлган ихтисослик ва касбий фаолият ҳисобланган ижтимоий хизматнинг шаклланиши ва тараққий этиб бориши амалий ва назарий жиҳатдан ўта долзарбдир. Ижтимоий хизмат кўрсатишнинг тарихини ўрганиш шундан далолат бермоқдаки, бу хайрли амалий фаолиятнинг бир тури сифатида тобора ривожланиб, юксалиб бормоқда. Мақолада ижтимоий хизмат кўрсатишнинг мамлакатимизда тараққий этиш истиқболлари хусусида назарий ва амалий ишларни амалга ошаётганлиги қайд этилган.*

Ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳаётий турли кўринишдаги қийинчиликлар, иқтисодий муаммолар ҳамда жисмоний соғлиқнинг йўқолиши натижасида долзарблашиб боради. Ижтимоий хизмат кўрсатиш бевосита ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда ривожланиб бормоқда. Бу борада Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: Халқимиз шуни яхши билиши керак олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради[1].

Ижтимоий хизмат кўрсатиш бу фаолиятнинг алоҳида бир кўриниши (ёки тури) бўлиб, унинг мақсади ўз навбатида аҳолини турли гуруҳлари,оилавий – шахсий қизиқишларини қондириш ва ижтимоий кафолатлаш, умуман кишиларни ижтимоий ҳаракатга қобиллигини тиклашга ва яхшилашга ёрдам берувчи шароитларни яратишни ўз ичига олади.

Шунингдек, бу ўз навбатида қуйидаги лавозим мажбуриятларни амалга ошириши таъкидланган:

- барча ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ғамхўрлик кўрсатиш;
- етим ва чин етим яъни ота-она қрамоғисиз қолган болаларга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш;

Ўзбекистонда ижтимоий иш йўналиши Олий таълим йўналишлари ва мутахас-сисликлари классификаторига киритилиб, 2004-йилда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Маданият институтида (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ташкил этилгунга қадар бўлган давргача), 2005-йилдан бошлаб эса Самарқанд ва Фарғона давлат университетларида, 2010-

[1] *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси -https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-*

йилдан Ўзбекистон Миллий университетида ижтимоий иш йўналиши бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, мамлакатимизда ижтимоий ишни назарий жиҳатдан ривожлантириш борасида ҳам бир қатор илмий изланишлар аста-секинлик билан бўлсада амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳозирги вақтда Тошкент, Самарқанд ва Фарғонада талабалар амалиётини ўтказишнинг янги модели ишлаб чиқилган ва ўқитиш тизимига тадбиқ қилинган. Умуман олганда, ижтимоий иш бўйича мутахассис назарий билим олиб ва амалий кўникмага эга бўлиб, ижтимоий иш соҳасида ташкилий-бошқарув, илмий-педагогик ва амалий иш олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган вақт оралиғида ижтимоий иш соҳасини ривожланитириш, соҳани илмий-услубий, назарий-услубий ва ташкилий масалалар борасида амалий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Республикамизда бугунги кунда долзарб бўлган ижтимоий соҳани ривожланиши ва ижтимоий иш соҳасини мутахассисларини халқаро талабга жавоб берадиган даражада тайёрлаш асосий мақсад ва вазифа қилиб белгиланди.

2006-2008-йиллар мобайнида ижтимоий иш бўйича Миллий команданинг Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва БМТнинг Ўзбекистондаги ЮНИСЕФ Болалар жамғармаси кўмагида ижтимоий иш бўйича қайта тайёрлаш дастурларини тарқатиш ва Ўзбекистонда ижтимоий иш касбини ривожлантириш лойиҳаси доирасида барча институционал муассасадаги мутахассислар жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган ижтимоий иш соҳасига даҳлдор бўлган зарур билимлар билан бойитишга эътибор қаратилган бўлса, иккинчи босқичда (2008-йил) Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимининг самарали моделини ривожлантириш ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларида оила ва болаларни қўллаб қувватлаш пилот хизматини оммалаштириш лойиҳаси доирасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш хизмати кўмагида Андижон ва Бухоро шаҳри, шунингдек, Гулистон вилоятида пилот хизмат ташкил этилди. Шунингдек, ижтимоий иш бўйича қайта тайёрлаш дастурини тарқатилиши ва Ўзбекистонда ижтимоий иш касбининг ривожланиши лойиҳаси доирасида амалга оширилган қайта тайёрлаш курсида 3-4 нафар оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш пилот хизмати мутахассислари ижтимоий ишчи дипломига эга бўлдилар. Учинчи босқич (2009-йил) амалга оширилиб, Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоялаш самарали моделини илгари суриш – оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш хизмати моделини тадбиқ этиш лойиҳаси барча ҳудудларда оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш хизмати самарали моделини оммалаштириш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, бошқа жараёнларни самарали бошқариш моделини ишлаб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимиздаги ижтимоий иш институтлари ривожланишининг таҳлили, мазкур институт узоқ тарихга эга бўлиб, миллий анъаналар ва ўзбек халқига хос меҳр-шафқат туйғулари шаклидаги ўзаро ёрдамнинг кучли потенциалини ўзида бирлаштирганлигини кўрсатди. Айнан ушбу жиҳатдан манзилли ёрдам механизмларини ривожлантиришда фойдаланиш зарур. Бундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий иш институтларининг жадал ривожланиши ҳамда, тезкорлик билан муайян мақом касб этиши учун унинг шаклланишдаги сотсиомаданий ва миллий-тарихий хусусиятларини назарда тутиш зарур.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда ижтимоий хизматчилар касбий ва ахлоқий кодексини яратиш борасида бир қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 26-декабрдаги «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017-йил 1-декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ5270-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 2-февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сонли Фармонлари, Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан 2017-2020-йилларга мўллжалланган амалий иш режаси «Йўл харитаси» ва бошқа соҳа ривожига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидир.

Бугунги кунда ижимоий иш ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 2019-йил 11-ноябрда тасдиқланган **“Ижтимоий ходимларнинг алоҳида лавозими бўйича тариф малака тавсифномасини тасдиқлаш тўғрисида”**ги буйруғи асосида фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Жумладан, оила ва болалар ҳамда ёшлар билан ижтимоий иш олиб борувчи мутахассис ўз ташкилоти (корхона, муассасаси)да ташкил этилган штат бирлиги ва функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги лавозим мажбуриятларини амалга ошириши белгиланган:

- болалар, жумладан, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлиш хавфида бўлган болалар, зўравонликдан жабр кўрган, психожисмоний ривожланишида нуқсони ва ёки ногиронлиги бўлган, ижтимоий-ҳуқуқий хатар гуруҳига кирувчи ва бошқа ҳимояга муҳтож болаларни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга ошириш;
- етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.
- ҳимояга муҳтож болалар учун давлат таълим-тарбия, даволашсоғломлаштириш, ижтимоий ҳимоя муассасалари битирувчилари бўлган, шу жумладан, у юшмаган ёшларнинг мустақил ҳаётга ижтимоий мослашувлари давомида юзага келувчи муаммоларини ҳал этиш чораларини кўриш, уларнинг манфаатларини илгари суриши кўрсатилган. Шунингдек, **оила ва болалар ҳамда ёшлар билан ижтимоий хизмат олиб борувчи мутахассис** қуйидаги **асосий вазифа-мажбуриятлар**ни амалга ошириш белгиланган[2]:

- давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам жараёнини бошқариш ҳамда вазиятлар бўйича ишларни юритиш (кейс-менежмент): бола ва оила ҳамда ёшларнинг ҳаёт тарзи, эҳтиёжлари қондирилиши учун яратилган имкониятларни комплекс баҳолаш, кўрсатиладиган хизматлар режасини (ҳимоя, васийлик белгилаш, оилага қайтариш, ижтимоий кузатувни амалга ошириш ва б.) ишлаб чиқиш, кўрсатиладиган хизматларни мувофиқлаштириш, мониторингини амалга ошириш ва натижани баҳолаш.
- психожисмоний ривожланишида муаммолари бўлган ёки ногиронлиги бўлган фарзанди бор оилаларга яшаш жойи бўйича руҳий-ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва бошқа шу кабилар.

Демак, истиқболда Ўзбекистонда ижтимоий хизмат кўрсатиш ходимларининг касбий меъёрлари такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ.

[2] *Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 2019 йил 11 ноябрда тасдиқланган “Ижтимоий ходимларнинг алоҳида лавозими бўйича тариф-малака тавсифномасини тасдиқлаш тўғрисида”ги ID-9543-сонли буйруғи- https://regulation.gov.uz/oz*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси - http: //uza. uz/ oz/ politics/ o'zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-
2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 2019 йил 11 ноябрда тасдиқланган "Ижтимоий ходимларнинг алоҳида лавозими бўйича тариф-малака тавсифномасини тасдиқлаш тўғрисида"ги ID-9543-сонли буйруғи- https://regulation.gov.uz/oz.
3. Ganiyeva M.X., Latipova N.M. Negmatov I. va boshqalar. Ijtimoiy ish etikasi. Toshkent, 2015. B-430.
4. Negmatov I. Ijtimoiy ishning etik-professional qadriyatlari. Samarqand. 2020. B. - 437.
5. Vahobov A. Ijtimoiy ish va ijtimoy ta'minot. Toshkent, 2018. B-164.